

Маҳр ёхуд типратиканча интиқом



15:32 / 15.03.2021 3266

Умар розияллоҳу анҳунинг давларида инсонлар маҳрнинг нарҳини кўтариб юборишди. Умар розияллоҳу анҳу уни бир қолипга солиб қўймоқчи бўлиб минбарга чиқдилар. Маҳрга бир чегара қўймоқчи эканликларини гапирдилар. Шунда Шифо бинт Абдуллоҳ исмли аёл туриб деди:

- Эй мўъминлар амири! Бу сизга ҳалол бўлмайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай дейди:

«Ва агар хотин ўрнига бошқа хотин олмоқчи бўлсангиз ва уларнинг бирига ҳаддан зиёда маҳр берган бўлсангиз ҳам ундан ҳеч нарса қайтариб олманг». (Нисо сураси, 20-оят).

Сиз уни қандай қилиб чеклаб қўясиз?!

Шунда Умар розияллоҳу анҳу:

- Аёл тўғри гапирди. Умар хато қилди, дедилар.

Ҳадисда маҳр қанча кўтарилсада ҳаром эмаслигига гувоҳ бўлаяпмиз. Аммо маҳрнинг кўтарилиши суннатга хилоф. Ана шу нарса Умар розияллоҳу анҳуни уни чеклашга ундади. Чунки у зот ўзининг сиёсий заковати, ижтимоий тажрибаси билан маҳрнинг кўтарилиши ёшларнинг турмуш

қуришига салбий таъсир кўрсатишини билар эди. Бунинг натижасида ёшлар уйланишни ортга суришлари аниқ эди.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Фотима розияллоҳу анҳога совчи қўйдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бунга розилик билдириб дедилар:

- Унга беришга бирор нарсанг борми?

- Менда ҳеч нарса йўқ.

- Совутинг қаерда?

-Ўзимда.

- Уни маҳр қилиб Фотимага бер.

Жаннат аёлларининг саййидаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари бўлмиш Фотима розияллоҳу анҳонинг маҳри биргина совут. Бугунги кунда инсонлар маҳрни, тўй харажатларини ҳаддан ортиқ катталаштириб юбориши суннатга хилофдир. Кишилар маҳрнинг баландлиги қизимнинг қадрининг баландлиги деб эътиқод қилишса керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳони Али розияллоҳу анҳуга узатаётиб битта кийим, битта ичига хурмо пўстлоғи тўлдирилган ёстиқ, битта қўлтегирмон, битта меш, сув билан сирка солиб қўйиш учун иккита кўза берган эдилар.

Эътибор берайлик, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Али розияллоҳу анҳуни қийнамаяптилар. У кишининг фақирликларини билиб рўзғорни жиҳозлашга ёрдам бераяптилар. Қолаверса, Али розияллоҳу анҳуни ўзлари боқиб катта қилганлар. Шунинг учун қиз томон ҳам қизларининг жиҳозлашдан ҳаддан ошмасдан, насибадор бўлиши суннатда бор. Бу инсонлар орасида ўзаро ёрдам, шафқат каби нарсаларнинг ёйилишига сабаб ҳам бўлади.

Бу воқеа мавзуга алоқадор бўлмасада лирик чекиниш сифатида «Типратиканча» интиқом ҳолатини келтириб ўтишни лозим топдик. Зеро, инсонлар учун ибрат намунаси бўлса нежаб.

Типратиканларда ажойиб бир одат бор экан. Бордию, эркак типратикан ўз урғочи типратиканидан бошқа типратикан билан оила қурадиган бўлса, биринчи аёли бўлган урғочи типратикан уларга тўёна сифатида янги уя

қазиб берар экан. Янги «келин-куёв» уяга киришгач эса, уларнинг устидан тупроқ тортиб, кўмиб ташлар экан...

Яхшиям инсонларда бу одат йўқ!

Абдулқодир Полвонов мақоласи асосида

Хуршид Маъруф тайёрлади